


## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 50117,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 104,1 % га ўси. ЯҲМ дефлятор индекси 2018 йил январь-декабрь ойларидағи нархларга нисбатан 124,1 % ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқарии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар итиғиндиси орқали ҳисобланади.

2018-2019 йиллар учун ЯҲМ физик ҳажми ва дефлятор индекси динамикаси қўйидаги маълумотлар билан тавсифланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да).



**2019 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 93,8 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,7 %), саноат - 108,2 % (47,4 %), курилиш - 135,9 % (4,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 103,3 % (6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 102,5 % (5,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 105,7 % (11,9 %) ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 17164,2 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 % га ўсди.


**Январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига  
хисобланган ЯҲМ ҳажми  
(жорий нархларда, минг сўм)**



**Январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига  
хисобланган ЯҲМ ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**



**Январь-декабрь ойларида кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши  
(Ялти қўшилган қийматга нисбатан % да)**



## Ялпи худудий махсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		<i>Физик ҳажм индекси %да</i>
	2018 й. январь-декабрь	2019 й. январь-декабрь	
<b>ЯХМ-жами</b>	<b>38 774,3</b>	<b>50 117,8</b>	<b>104,1</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>36 481,5</b>	<b>46 542,1</b>	<b>103,9</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	11 042,5	11 482,7	93,8
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	16 700,9	24 179,0	110,4
саноат	15 395,0	22 047,4	108,2
курилиш	1 305,9	2 131,6	135,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2 539,2	2 983,9	103,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	2 045,3	2 331,2	102,5
бошқа хизмат тармоқлари	4 153,6	5 565,3	105,7
<b>Махсулотларга соғ солиқлар</b>	<b>2 292,8</b>	<b>3 575,7</b>	<b>108,4</b>

## Январь-декабрь ойларида ЯҲМниг тармоқлар бўйича таркиби

2018 йил



2019 йил




Юқорида келтирилгандык диаграммада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилдаги 30,3 % дан 2019 йилда 24,7 % га камайганлигини кўриш мумкин. Саноат улуши 42,2 % дан 47,4 % га ва қурилиш улуши 3,6 % дан 4,6 % га ошиди, хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 23,9 % дан 23,3 % га камайди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 52,7 % и кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь-декабрь ойларида 57,7 % ни ташкил қилган.

2019 йил январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 23,3 % ни (2018 йил январь-декабрда 23,9 %) ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 6,4 % ни (2018 йил январь-декабрь - 7,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа -5,0 % ни (5,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 11,9 % ни (11,3 %) ташкил этди.

### Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)




ЯҲМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг таъсири 1,0 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада қўшилган қийматнинг 4,2 % га ўсиши кузатилди. Шундан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 3,1 % га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 2,5 % га ва бошқа хизматлар 5,7 % га ўсади.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослагандага 35,9 % га ўсади. ЯҲМнинг мутлок ўсиши қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 1,3 ф.п. даражасида баҳоланди.

2019 йилнинг январь-декабрь яқунларига қўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 6,2 % даражасида камайиш қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯҲМ мутлок ўсиш суръатига таъсири -1,9 ф.п. ни ташкил этди.

### **2019 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**


(жамига нисбатан % да)



2019 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятори индекси 2018 йил январь-декабрь ойларидаги нархларга нисбатан 124,1 фоизни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари маҳсулотга соф солиқларда - 143,9 % ва саноат тармоғида - 132,4 % қайд этилди.

Вилоятнинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда - 120,1 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 110,9 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 114,0 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада - 111,2 % ва бошқа хизматларда - 126,7 % қайд этилди.

**2019 йил январь-декабрь ойларида  
ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси**



## **Статистик кўрсаткичларга изоҳлар**

**Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ)** - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий худуддида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуниятини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига (ЯҲМ)** муайян даврда жорий нархлардаги ЯҲМ ҳажмини мамлакат (худуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)** ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** - товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** - давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соғ солиқлар** маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айриш орқали аниқланади.

**ЯҲМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯҲМни (реал ЯҲМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯҲМ дефлятор индекси** - иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯҲМ) реал ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.